

THE ROLE OF PEDAGOGICAL ETIQUETTE IN THE WORKS OF ABDULLA AVLANI

Ruzimboyeva Mohira Shuhrat qizi

Tashkent State Pedagogical University

Student of the Faculty of Foreign Languages

Annotation: it would not be an exaggeration to say that a mature scientist and educator in his time, Abdulla Avlani, brought many changes and updates to the education and science sector and the course process through his new intensive actions, pedagogical views. On the basis of his pedagogical views, he finds his solution to the issues of interactivity, activity, mutual respect and upbringing among students of schools and higher educational institutions. In a number of pedagogical works written by Abdulla Avlani, he also gives serious confidence to the principles of upbringing and morality and the sphere of Education. In the course of this article, we will study the pedagogical views of Abdulla Avlani as well as the issue of upbringing in his works.

Keywords: "second teacher", figurative expression, science, ideological completeness, Uzbek pedagogy, national independence.

АБДУЛЛА АВЛОНИЙ АСАРЛАРИДА ПЕДАГОГИК ОДОБ-АХЛОҚНИНГ ЎРНИ

Аннотация: Етук олим ва педагог ўз даврида Абдулла Авлониёв ўзининг янги жадид ҳаракатлари, педагогик қарашлари орқали таълим ва фан соҳаси ҳамда дарс жараёнига бир қанча ўзгариш ва янгиланишлар олиб кирди десак муболаға бўлмайди. Унинг педагогик қарашлари асосида мактаб ва олий таълим муассасалари ўқувчилари ўртасида интерактивлик, фаоллик, ўзаро ҳурмат ва тарбия масалаларига ўз ечимини топади. Абдулла Авлониёв ёзган бир қанча педагогик асарларида ҳам тарбия ва одоб-ахлоқ тамойиллари ва таълим соҳасига жиддий этибор беради. Ушбу мақола давомида биз Абдулла Авлониёв педагогик қарашлари ҳамда унинг асарларидаги тарбия масаласини ўрганамиз.

Калит сўзлар: «Иккинчи муаллим», образли ифодаси, илм, ғоявий тўлиқлик, ўзбек педагогикаси, миллий истиқлол.

Миллий истиқлолга эришиб, ҳар томонлама тараққий топиб бораётган жамиятимиз маънавиятини янада ривожлантиришда миллатимиз тарихини ўзида бадиий акс эттирган тарихий бадиий ҳамда илмий асарларнинг алоҳида ўрни бор. Ўзбек адабиёти бундай асарларга бойдир. Улар ёш авлодни баркамол қилиб вояга етказишда муҳим аҳамият касб этади. Бу жиҳатдан, таниқли ўзбек адиби Абдулла Авлониёвнинг мактаб учун яратган тўрт қисмдан иборат “Адабиёт ёхуд миллий шеърлар” ҳамда “Биринчи муаллим”, “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ”, “Иккинчи муаллим”, “Мактаб гулистони” каби дарслик ва ўқиш китоблари ҳам характерли бўлиб, яхлит бир тадқиқот учун манба бўла олади. Айниқса, унинг илк савод чиқаришда билим ва тушунчаларни болалар онгига содда ва тушунарли етказиши алоҳида эътиборни тортади. Шунинг учун инобатга олиб,

бу асарларни жиддий ўқиб чиқиш ва унда илк дарсликка хос тузилмани, ғоявий тўлиқликни, китоблардаги ўзига хос хусусиятларни ўрганиб чиқиш зарур.

Авлонийнинг «Иккинчи муаллим» китоби «Биринчи муаллим» китобининг узвий давомидир. Биз биринчи китобини, шартли равишда, алифбе деб, иккинчи китобини хрестоматия деб атасак жоиз бўлар, десак хато бўлмас.

Китоб мактабни олқишловчи шеър билан бошланади:

Мактаб сизи инсон қилур,
Мактаб ҳаёт эҳсон қилур,
Мактаб ғами вайрон қилур,
Ғайрат қилиб ўқинг, ўғлон!
Мактабдадур илму камол,
Мактабдадур ҳусну жамол,
Мактабдадур миллий ҳаёл,
Ғайрат қилиб ўқинг, ўғлон!

Бу шеърда Авлоний мактабни инсоннинг нажот йўли, ҳаётнинг гулшани, кишиларни камолот сари сафарбар қилувчи куч, деб мактайтиди. Абдулла Авлонийнинг педагогикага оид асарлари ичида «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» асари XX аср бошларидаги педагогик фикрлар тараққиётини ўрганиш соҳасида катта аҳамиятга моликдир. «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» асари ахлоқий ва таълимий тарбиявий асардир. Асарда инсонларни «яхшиликка чақирувчи, ёмонлардан қайтарувчи» бир илмахлоқ ҳақида фикр юритилади. Абдулла Авлоний педагог сифатида бола тарбиясининг роли ҳақида фикр юритиб «Агар бир киши ёшлигида нафси бузулиб, тарбиясиз, ахлоқсиз бўлиб ўсдими, аллоҳу акбар, бундай кишилардан яхшилиқ кутмоқ ердан туруб юлдузларга қўл узатмак кабудур», - дейди. Унинг фикрича, болаларда ахлоқий хислатларнинг таркиб топишида ижтимоий муҳит, оилавий шароит ва боланинг атрофидаги кишилар ғоят катта аҳамиятга эга.

Ўзбек педагогикаси тарихида Абдулла Авлоний биринчи марта педагогикага «Педагогия», яъни бола тарбиясининг фанидир», деб таъриф берди. Табиий бундай таъриф Авлонийнинг педагогика фанини яхши билганлигидан далолат беради. Абдулла Авлоний бола тарбиясини нисбий равишда куйидаги тўрт бўлимга ажратади: 1. «Тарбиянинг замони». 2. «Бадан тарбияси». 3. «Фикр тарбияси». 4. «Ахлоқ тарбияси» ҳақида ҳамда унинг аҳамияти тўғрисида фикр юритади. «Тарбиянинг замони» бўлимида тарбияни ёшлиқдан бериш зарурлигини, бу ишга ҳаммани: отаона, муаллим, ҳукумат ва бошқаларнинг киришиши кераклигини таъкидлайди. «Ал-ҳосил тарбия бизлар учун ё ҳаёт-ё мамот, ё нажот-ё ҳалокат, ё саодат-ё фалокат масаласидур» деб уқтиради, Авлоний. Тарбия хусусий иш эмас, миллий, ижтимоий ишдир. Ҳар бир халқнинг тараққий қилиши, давлатларнинг қудратли бўлиши авлодлар тарбиясига кўп жиҳатдан боғлиқ, деб ҳисоблайди адиб. Тарбия зурриёт дунёга келгандан бошланиб, умрнинг охирига қадар давом этади. У бир қанча босқичдан - уй, боғча, мактаб ва жамоатчилик тарбиясидан ташкил топган. Авлоний тарбиянинг доирасини кенг маънода тушунади. Уни биргина ахлоқ билан чегаралаб қўймайди. У биринчи навбатда боланинг соғлиги ҳақида ғамхўрлик қилиши лозимлигини уқтиради. Авлонийнинг фикрича, соғлом фикр, яхши ахлоқ, илм-маърифатга эга бўлиш учун баданни тарбия қилиш зарур. «Баданнинг саломат ва қувватли бўлмоғи инсонга энг керакли нарсадур. Чунки ўкумоқ, ўкутмоқ, ўрганмоқ ва ўргатмоқ учун инсонга кучли, касалсиз жасад лозимдир». Абдулла Авлоний бадан тарбияси масаласида болани соғлом қилиб ўстиришда ота-оналарга мурожаат қилса, болани фикр томондан тарбиялашда ўқитувчиларнинг фаолиятларига алоҳида эътибор беради. «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» китоби маърифатпарварлик ғояларини тарғиб қилади. Абдулла Авлоний китобда илм тўғрисида бундай дейди: «Илм дунёнинг иззати, охиратнинг шарофатидур. Илм инсон учун ғоят олий, мукаддат бир фазиладур.

Зероки, илм бизга ўз аҳволимизни, ҳаракатимизни ойна каби кўрсатур. Зехнимизни, фикримизни қилич каби ўткур қилмоқ, ... Илмсиз инсон мевасиз дарахт кабудур...». Авлоний илмни умуман эмас, балки унинг амалий ва ҳаётӣй фойдаларини айтиб, «Бизларни жаҳолат, қоронғуликдан қутқарур. Маданият инсониятни маърифат дунёсига чиқарур, ёмон феъллардан, бузуғ ишлардан қайтарур, яхши хулқ ва одоб соҳиби қилур... Алҳосил бутун ҳаётимиз, саломатимиз, саодатимиз, сарватимиз, маишатимиз, ҳимматимиз, ғайратимиз, дунё ва охиратимиз илма боғлидур»².

Адибнинг образли ифодасига кўра, илм бамисоли бодомнинг ичидаги мағиз. Уни қўлга киритиш учун меҳнат қилиш, яъни чақиб уни пўчоғидан ажратиб олиш керак. У илмнинг жамият тараққиётидаги ролини яхши тушунади. Шунинг учун ҳам у, ёшларни илм сирларини билишга, ҳодисалар моҳиятини ечишга, китоб мутолаа қилишга чақиради. Унинг фикрича, илм агар жамият манфаатига хизмат қилмаса, халқ фаровонлиги йўлида қўлланмаса, у ўликдир. А.Авлоний ўз илмини амалда қўллай оладиган кишиларга юксак баҳо беради, уларни доно инсонлар, деб атади.

Абдулла Авлоний «Туркий гулистон...» асарининг «Ёмон хулқлар» қисми 18 бобдан иборат. Муаллиф инсоннинг бундай хулқларини «саодати адабиядан маҳрум, ҳаёти жовидонимиз учун масмум бўлган ахлоқи замималар...» деб атади. А. Авлони кишиларнинг ҳам ижобий хулдарини, ҳам салбий хулдарини баён қилиб, китобхонлар мулоҳазасига ҳавола қилади. У «Бу саналган ёмон хулқларнинг фаноликларини, юқорида санаган яхши хулқларнинг гўзаллигини инсоф мувозанаси ила ўлчаб, виждон муҳокамаси ила таҳқиқлаб, яхшиларини тинглаб амал қилмак ёмонларини онглаб, ҳозир қилмак лозимдур», дейди. А. Авлоний қазабнинг икки хил хусусиятини баён қилади. Бири душмандан ўзини, миллатини мудофаа қилишда инсоннинг қазоби муҳим аҳамиятга эга бўлса, иккинчиси бировни жабрзулм йўли билан ишлатиш, одамларга совуқ муомиласи билан даҳшат солишдан иборат бўлган салбий хусусиятдир. ҳилм - юмшоқ табиатлилиқ билангина ғазабнинг олдини олиш мумкин. А. Авлоний бу ҳақда Имом Шофеъи ҳавзратларининг сўзларини келтиради: «Қилич ва найза ила ҳосил бўлмаган кўп ишлар юмшоқлик ва мулоиймлиқ ила ҳосил бўлур, азабнинг зарари эгасига қайтур», - демишлар. А. Авлоний асарнинг «Ёмон хулқлар» қисмида яна бир ниҳоятда муҳим масалага эътиборни қаратади. Бу «Жаҳолат» ва «Ақсоми жаҳолат» бобларидир.

Жаҳолат нодонликдан, илмсизликдан ҳосил бўлади. Инсониятнинг энг ғаддор душмани жаҳолатдир. Асар муаллифи жаҳолатни икки қисмга ажратади: бири «жаҳли босит» («оддий жаҳолат»), иккинчиси «жаҳли мураккаб». «Жаҳли босит» касалига мубтало бўлганлари бирор нарсани билмайдилар ва билмасликларини эътироф этадилар. Буларнинг авоми нисбатан осон, уларни ўқитиш, ўргатиш билан бу маараздан фориҳ қилиш мумкин каби бир қанча одоб-ахлоқ масалаларига ўз асарларида жиддий эътибор қаратган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Тўхлиев Б, Шамсиева М, Зиёдова Т. Ўзбек тили ўқитиш методикаси. -Тошкент: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти,
2. Толипов Ў.Қ, Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг татбиқий асослари. - Тошкент: “Фан”, 2006. -Б.262.